БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 132 (4231)
12 ИЮНЬ, 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

МЕТРО ҚУРУВЧИЛАР РЕКОРДИ

2-тунпель отрядига қарашли Ленин ордени кавалери Леонид Григорьевич Товарчук бошлиқ бригада коллективи бир сутка-да 102 погон метр метро йўлини бетонлашга муваффақ бўлди. Тошкент метро қурилиш трестининг бу янги рекорди 9-шахта ва «М. Горький майдони» станцияси оралиғидаги ер ости йўлида қўлга киритилди.

Ишга туширилади-ган ер ости йўлининг чап қанот туннелида ҳаммаси бўлиб яна 40 погон метр йўлни бетонлаш қолди. Метро қурувчиларнинг бу рекорд кўрсаткичи Тошкент ер ости йўли қурилишининг энг муҳим босқичи — синов поездлари ҳаракатини йўлга қўйишни яқинлаштирмоқда. Бош пудратчи, ёрдамчи пудратчи, буюртмачи ва лойиҳаловчилар иштирокида ўтган умумий партия йиғилишининг қарорида ишга туширилади-ган участка чап қанот туннелида 1 июлдан бошлаб синов поездлари ҳаракатини йўлга қўйиш белгиланди.

Дилбар Хўжаева Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тикувчи-мотористкаларидан. Бу тикувчи яқинда бирлашмада ўтказилган «Ўз насибининг устаси» конкурсида биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

СУРАТДА: Д. Хўжаева.

К. Рихсиев фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ «Меҳнат коллективининг кучи» —«Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

✦ Учишни бошқариш маркази хабар беради: Леонид Попов билан Валерий Рюмининнинг «Салют-6» илмий станцияси ичидаги иши учинчи ойи бошланди. Нисбатан қисқа муддатда космонавтлар станцияда катта ҳажмдаги ремонт-профилактика тадбирларини бажардилар, кўп миқдорда илмий-техникавий ва медицина-биология тадқиқотлари ҳамда экспериментларини, жумладан иккита қўшимча экспедиция экипажи иштирокида ўтказдилар.

Кеча экипаж комплекс медицина кўригидан ўтказилди.

Бугун экипажнинг Ер юзасини ва дунё океани акваториясини халқ хўжалиги турли тармоқлари манфаатлари йўлида кўз билан кузатиши, тренажёрда ва велоэргометрда бадан тарбия билан шуғулланиши, дам олиши планлаштириб қўйилган.

«Салют-6» — «Союз-36» орбитал комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

✦ 11 июнда Тошкентда пахтачиликда химиявий препаратларни ишлатиш масаласи юзасидан Совет— Америка симпозиуми бўлиб ўтди.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

Тиллабой Қалмонов бошлиқ йиғувчилар бригадаси— Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тажриба-механика заводидаги социалистик мусобақада кўп марталаб совринли ўринларни олган. Коллектив сменаойлик топшириқларини 120 — 130 процент адо этиб, моторларни юқори сифатда ремонтдан чиқаряпти.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) бригада бошлиғи Т. Қалмонов, бригада аъзолари К. Раҳимов, С. Тўрақулов ва М. Тзинас.

Беш йиллик план тайёр

Куни-кеча 4-дон маҳсулотлари комбинати директори А. Н. Иванов редакциямизга қўнғироқ қилиб, корхона коллективи 250 миллион 913 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, беш йиллик учун белгиланган топшириқни муддатидан 7 ой аввал бажарганлигини маълум қилди. Корхонада ҳозир йил охирига қадар беш йиллик топшириққа қўшимча 34,2 миллион сўмлик маҳсулот, яъни 43 минг тонна гуруч ва оқшоқ, 17 минг тонна омухта ем ишлаб чиқариш учун қурилмоқда.

Беш йиллик бошидан бери комбинатда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинди. Кўпгина цехлардаги машиналар ва аппаратлар янгиси билан алмаштирилди. Айрим цехларга эса ярим автоматик линиялар ва конвейерлар монтаж қилинди. Бундан ташқари, корхона партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ташаббуси билан илғорлар тажрибасини оммалаштириш, ҳар бир ишчи, инженер, техник ходимнинг касб маҳоратини ошириш бўйича тадбирлар белгиланди. Булар ҳаммаси планлар ва социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Коллектив бир неча йилдан бери қатораснга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келаяпти. Ҳозирги меҳнат суръатлари корхонада беш йилликнинг сўнгги йили ҳам катта зафарлар билан якунланишидан далолат бераяпти.

Корхонанинг барча участкалари шу кунларда бир маромда, унумли ишлаяпти. Мусобақа пешқадамлари Л. Лобашова, Ю. Климов бошлиқ бригадалар, мастер К. Бакиров бошлиқ смена коллективлари, гуруч оқловчилар Т. Бондаренко, Р. Эргашев ишлаб чиқариш графигидан анча ўзиб меҳнат қилишяпти.

Цехлараро мусобақада коммунист А. Пшеничников бошлиқ 2-гуруч цехи мунтазам совринли ўринларни эгаллаб келяпти. Ўтган йили республикадаги соҳа корхоналари ўртасида ўтказилган кўрикда бу цех пешқадамлик қилиб, «Республикадаги энг яхши гуруч цехи» деган шарафли номга эга бўлди.

Комбинат шу кунларда республика савдо тармоқларига ҳар куни 180—185 минг сўмлик юқори сифатли маҳсулот жўнатмоқда.

БУГУН

корхона беш йиллик планга қўшимча реализация қилган маҳсулот бир миллион сўмлик етди.

ФАХРЛИ БЕЛГИ БИЛАН

«1980 йилда пландан ташқари 1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қиламиз!» — «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг мақсади ана шундай. Бу эзгу ният йўлида фидокорона тер тўкаётган тошкентлик қизил тонгчилар аҳолига кўплаб сифатли кийим-кечак етказиб бериш учун барча имкониятларни ишга солаяптилар. Айниқса, маҳсулот сифати чеварлар диққат марказида турибди. Бу кўрсаткични яхшилаш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Қувончлиси шундаки, маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасининг тўла жорий этилиши бугунги кунда эҳтиёж ва талабга биноан буюмлар тайёрлаш имконини бермоқда.

Жумладан, йилнинг беш ойлик топшириғи барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли удаланди. Чеварлар пландан ташқари 520 минг сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилдилар. Фахрли беш киррали белги билан тайёрланган буюмлар эса умумий маҳсулот ҳажмининг 49,2 процентдан зиёдини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот сифатини яхшилаш борасида анча сезиларли ютуққа эришилганлигини кўрсатади.

Енгил саноат ходимлари байрамини муносиб кутиб олган қизил тонгчилар йилни зарбдорона якунлаш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Меҳнат беллашувида корхонанинг кўзга кўринган ишчилари З. Лебедова, С. Эннанов, Г. Мустафоева, В. Кругова ва бошқалар пешқадамлик қилишмоқда.

Халқаро мавзуда суҳбат

ХАТАРЛИ ТИЛ БИРИКТИРИШ

Шу кунларда Потомак соҳилларида ғалати бир манзарани кўриш мумкин: Пекин гегемончилари Америка пойтахтида АҚШнинг урушқоқ империалистик доираларибилан ошкора иноқлашиб олдилар. Чет элларда-ги сиёсий кузатувчилар ХХР давлат кенгаши раисининг ўринбосари Ген Бяонинг Вашингтонга қилган сафарига худди шундай баҳо бердилар.

Оқ уйда, давлат департаменти ва ленгтонда Пекиннинг вакилини дабдаба билан кутиб олдилар. Америка матбуотида босилган маълумотларга қараганда, бу ерда яширин шароитларда ўтказилган учрашувлар вақтида хитойлик арбоб Американинг қарбий техникаси ва ҳарбий анжомларини Хитойга тобора кўпроқ миқдорда етказиб бериш-ни талаб қилган. Американинг воқеалардан хабардор шарҳловчилари таъкидлаб ўтганидек, Ген Бяо бошчилигидаги Хитой делегациясининг АҚШга қилган визити Вашингтон билан Пекин ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида навбатдаги қадам бўлиб қолди. Бу ҳамкорликнинг доиралари ва «умумий мақсадлари» шу йилнинг январь ойида пентагон бошлиғи Г. Браун ХХРга борган вақтда белгилаб берилган эди.

Буларнинг ҳаммаси ҳарбий тайёргарликни кучайтириш соҳасида иш олиб бораётган АҚШдаги таъсири кучли доираларнинг тинчлик ва социализм ишига хиёнат қилган Пекин гегемончилари билан тил бириктирганлиги тинчликни ва кескинликни юмшатиш жараёнининг тақдирини жуда катта хавф остида қолдираётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга Пекин гегемончилари бу сафар ўз мақсадларига эришдилар, яъни Америка ҳарбий техникасини кўп миқдорда етказиб бериш ҳақида Вашингтон ҳукуматининг розилигини олишга муваффақ бўлдилар.

«Нью-Йорк таймс» газетаси уқтириб ўтганидек, Пекин ҳозир олиб турган радар установкалари, ҳарбий транспорт самолётлари, вертолётлар, алоқа воситалари ва бошқа қурол-яроғларни ташқари замонавий «Ф — 15» ва «Ф — 18» қирувчи самолётлари, шунингдек «Ер ҳаво» ракеталарининг ҳам ХХРга етказиб берилиши учун зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжезинскийнинг Совет Иттифоқига қарши «Хитой картасини» ўйнаш борасидаги авантюристик йўлига амал қилиш учун шай бўлиб турган Вашингтон мавмурияти Хитойга технологик ускуналарнинг экспорт қилинишини маъқуллади. Бу ускуналардан қурол-яроғ ишлаб чиқаришни кўпайтириш, АҚШ ва Хитойнинг иштироки билан реакцион иттифоқ тузишни талаб қилди. Бундай иттифоқ халқларнинг тинчлиги ва осойишталигига катта хавф туғдиради.

Шу тариқа, Хитой раҳбарлари ўзининг гегемончилик ниятларини амалга ошириш учун АҚШ ва НАТОдаги бошқа мамлакатлар билан бир қаторда Японияндан ҳам фойдаланмоқчи бўладилар. Пекинда Японияни Осиёда тинчликсеверликка таҳдид қиладиган ва ҳарбий жиҳатдан ғоят кучли бўлган давлатга айлантиришдан иборат бемаъни ғоялар илгари сурилмоқда. Ҳуа Гофэн ирвогарлик руҳидаги даъватлари билан Пекин Токионн Хитойнинг буюк давлатчилик-гегемончилик йўлига жалб этиш, бу мамлакатни СССР билан ва региондаги бошқа давлатлар билан муносабатларда яхши қўшничилик позициядан юз ўгиришга мажбур этиш ниятида эканлигини яна бир марта намойиш қилди.

Тинчлик ва кескинликни юмшатиш душманларининг хатарли кирдикорлари халқаро кескинликни ва ҳарбий ирвогарликни кучайтириш стратегисини қоралаётган яхши ниятдаги барча кишиларнинг тобора қаттиқ қаршилигига дуч келмоқда.

В. МАТЯШ.
(ТАСС).

УЛУҒ ҚАРДОШЛИК ЙИЛНОМАСИ

Ўзбекистон ССРда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларининг тантанали ёпилиши

Қардош халқ маданиятининг байрами — Ўзбекистон ССРда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари Коммунистик партия доно ленинча миллий сиёсати тантанасининг далили бўлди. Бу кунлар мамлакатимиз халқлари дўстлиги йилномасида янги ёрқин саҳифага айланди. Шу кунларда бутун Ўзбекистон бўйлаб Озарбайжон диёрининг шеърлари, қўшиқлари, куйлари, оҳанглари, қардошлик ва дўстликнинг чин қалбдан айтилган самимий сўзлари жаранглаб турди.

Мана, байрам яна Тошкентга, бош саҳна — Алишер Навоий номли опера ва балет театрига қайтиб келди. Бу ерда 11 июнь куни Ўзбекистон ССРда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон ССР маданият министри Ғ. Н. Нажимов кечани очаётуриб айтдики, шонли Озарбайжон адабиёти ва санъати таниқли арбобларининг келиши, улар билан бўлиб ўтган учрашувлар, суҳбатлар, Озарбайжон санъати энг яхши коллективларининг ва усталарининг концертлари республикамизнинг бадиий ҳаётини безади. Ўзбек халқи маданиятининг интернационал негизини бойитди.

Кечада Озарбайжон ССР маданият министри З. Н. Багиров Ўзбекистон меҳнаткашлари билан бўлган қувончли учрашувлар тўғрисида, шу кунлар қатнашчиларининг унутилмас таассуротлари ҳақида гапирди.

Биз бу ерда, ажойиб Ўзбекистон диёрида Совет республикалари халқларининг қардошлиги, маънавий муштараклиги ва жипслиги туйғусини, ягона оила туйғусини ҳис этдик, деб таъкидлади у. Биз, жўнаб кетар эканмиз, коммунизм қурилиши улуғ ишига катта ҳисса қўшаётган Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг ютуқлари ва ғалабаларидан фахрланиб, сизларнинг қалб ҳароратингизни ҳамиша ҳис этиб турамиз.

Тантанали кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Т. Анисимкин, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар.

Театр залида Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Багиров, Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ф. Г. Аҳмедов, қардош республиканинг таниқли маданият арбоблари бор эди.

... Дўстлик байрами эмблемасидан тарқалиб турган заррин нурлар шу оқшом берилган катта концертга шуъла сочди. Концертда иккала республиканинг санъат усталари қатнашдилар.

Концерт «Сени куйлайман, жон Озарбайжон!» деган музикали-адабий композиция билан бошланди. Уни СССР халқ артисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рашид Бейбутов бадиий раҳбарлигидаги қўшиқ театри ижро этди.

Қардош халқлар санъат усталарининг дўстона алоқалари шу кечада кўп марталаб ажойиб тарзда тасдиқланди. Озарбайжон рақс ансамблининг қизлар группаси СССР халқ артисти Галия Измайлова саҳналаштирган ўзбекча рақсни ижро этди. «Баҳор» рақс ансамбли эса Озарбайжон ССР халқ артисти Амина Дилбозий саҳналаштирган «Долай» шўхчан озарбайжонча ёшлар рақсини намойиш этди. Алишер Навоий номли театрнинг СССР халқ артисти Бернора Қориева раҳбарлигидаги ёш балетни томошабинларга тортиқ этган «Дилрабо мақом» хореографик композицияси ўзбеклар диёрининг бутун тароватини ўзида мужассамлаштирди.

Қардош халқлар байрамини мухтасар этган маъно шу концерт Ленин партиясини, халқлар ягона оила бўлиб яшаб, меҳнат қилиб, нуроний келажакни барпо этаётган улуғ Ватанимизни мадҳ қилувчи улуғвор бир қўшиқ бўлди.

* * *

Кечқурун Ўзбекистон ССР ҳукумати Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларининг қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказди.

(ЎзТАГ).

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКА НАМОЯНДАЛАРИГА МУКОФОТ

11 июнда Озарбайжон ССР ижодий ташкилотлари ва коллективларига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари тантанали вазиятда топширилди. Улар Ўзбекистон ССРда кўп миллатли совет маданиятини пропаганда қилиш ва бойитишда, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган ва республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда актив кўмаклашган Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунларини муваффақиятли ўтказганликлари учун шу мукофотга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ҳ. Б. Усмонхўжаев мукофотларни топшириб, Озарбайжон намояндаларини самимий муборакбод қилди, уларга сиҳат-саломатлик, янгидан янги ижодий муваффақиятлар тилади.

СССР халқ артистлари Гамэр Одмосзода, Ниёзий, Рашид Бейбутов ўз ижодий меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги, Ўзбекистон диёрида шодиёна кутиб олинганликлари учун астойдил миннатдорчилик билдирдилар. СССР халқ артисти Бернора Қориева мукофотланганларни Ўзбекистон маданият арбоблари номидан самимий табриклади.

Ёрлиқларни топшириш тантанали маросимида Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. М. Багиров, Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ф. Г. Аҳмедов ҳозир бўлдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилиб, «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиуми ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎИЧА:

1. **Дадажонова** Машкура — уй бекасига.
2. **Комилхонова** Нафиса Рўзматовна — уй бекасига.
3. **Толипова** Лазокат Боҳидовна — уй бекасига.
4. **Ҳасанова** Маҳлуба — уй бекасига.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Л. И. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил 27 май.

«СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилаётган пахтачилик тракторлари, прицеплар ва эҳтиёт қисмларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Корхона коллективи қишлоқ меҳнаткашлари буюртмаларини тез ва соз бажариш учун бутун имкониятларини ишга солиб меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: қишлоққа жўнатиш учун тайёрланган «МТЗ—80» тракторлари.

М. Нуриддинов фотолари.

телетайп лентасидан

⊙ **ПРАГА.** Чехословакиянинг Брно шаҳридаги алоқа воситалари заводидан Москва Олимпиадаси матбуот марказига 160 та телетайп муддатидан бир ой илгари юборилди. Корхона ходимлари шу йилнинг бошида социалистик меҳнат бригадалари кенгашида қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажардилар.

— Чехословакия меҳнаткашлари Москва Олимпиадаси учун машиналарни ўз вақтида етказиб беришни ишчиларнинг шарафли иши, деб ҳисобламоқдалар, деди Брнодаги завод социалистик меҳнат бригадасининг бошлиғи А. Нездаржил. Биз маҳсулотимиз фақат аъло сифатли бўлиши учун зарур бўлган ҳамма ишларни қиляпмиз.

Брно телетайпларининг асосий харидори Совет Иттифоқига завод ишлаб чиқараётган ҳамма маҳсулотнинг 40 процентини юборилмоқда. Шу йил баҳорда СССРга 10 мингинчи «Т—100» аппарати юборилди.

⊙ **ЛОНДОН.** Ғарбий Европа билан Японияда-ги автомобиль корпорациялари ўртасида рақобат кураши Англия автомобилсозлигида танглик-нинг кучайишига сабаб бўлди. Ишлаб чиқариш тўхтаб қолганлиги натижасида Британия компаниялари яқин орада минглаб ишчи ва хизматчиларни ишдан бўшатишни мўлжалламоқдалар.

«Толбот» автомобиль фирмаси бир ярим мингга яқин киши ишдан бўшатилади, деб эълон қилди. «Воксхолл моторс» компанияси ишчиларидан 5 мингдан кўп киши ишсиз қолади. Енгил машиналар учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи «Лукас» концерни заводларида хизматчилар сони 3 минг кишига қисқартирилади.

⊙ **САН-ФРАНЦИСКО.** Оқ уй авж олдириб юборган қуролланиш пойгаси Америка аҳолиси гарданига тобора оғир юк бўлиб тушмоқда. «Пиплз уорлд» газетасининг хабар беришича, Калифорния аҳолисидан федерал солиқ сифатида олинган маблағларнинг 54 процентини пентагон ҳазинасига тушди. Айни вақтда маъмурлар «пулнинг қадрсизланишига қарши кураш» ва «маблағларни тежаш зарурлиги» баҳонаси билан социал эҳтиёжлар учун белгиланган маблағни қисқартирмоқдалар.

⊙ **ҚОВУЛ.** Афғонистоннинг Таҳар вилоятида яна 20 тадан кўп саводсизликни тугатиш курси очилди. Бу курсларда ишчи, деҳқон, хизматчилардан 430 киши ўқиш ва ёзишни ўрганмоқда. Курслар давлатнинг маориф системасини ривожлантириш соҳасидаги ва мамлакатда саводсизликка қарши кураш сиёсатига мувофиқ ташкил этилмоқда.

⊙ **ЛАГОС.** Нигериянинг Варри шаҳрида ажнабий нефть компанияларидан бирига қарашли бўлган ва мамлакат алоқа министрлиги рўйхатига олмаган алоқа пункти топилди. Бу пункт Нью-Йорк билан бевосита телеалоқа воситасида жиҳозланган. Маҳаллий газеталарнинг фикрича, пунктнинг топилганлиги ундан АҚШ Марказий разведка бошқармаси фойдаланиб келаётганлигидан далолат бермоқда.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ —

КИЙГАНДА КЎЗ ҚУВОНАДИ

— Менга анави «Олимпиада — 80» рамзи туширилган кўйлакчаларингизда н кўрсатиб юборинг, — дея мурожаат қилди харидор аёл пештахта ортидаги қизга.

Қиз чаққонлик билан харидорнинг олдига бориб бир нечта кўйлакчаларни қўйди.

— Чиройлилигини қаранг-а! Кўзни қувонтиради-я! Қўлинг дард кўрмагур чеварлар қизалоқларимизга хўб манзур кўйлакчалар тикиб беришмоқда-да! —У шундай дея кўйлакчани ёнидаги шеригига. ёйиб кўрсатди.

— Айтганча, қайси фабрикада тикилган экан?— сўради даврага келиб қўшилган ўрта ёшли аёл.

— Ўзимизда, Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилган,—деди сотувчи қиз кўйлакларни тахлар экан.

Аёллар суюна-суюна бирлашма чеварлари шаънига илиқ гаплар айтишиб, кўйлаклардан харид қилишди.

Биз магазиндаги воқеадан сўнг ўзларининг бежирим, сержило маҳсулотлари билан харидорларнинг таҳсинига сазовор бўлаётган чеварларнинг ҳузурига — Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси томон йўл олдик.

— Бирлашмамиз коллективи аниқ, бир меъёрда, пухта ишламоқда,—дейди корхона директори Ш. С. Аҳмадалиева.— Бизда план-топшириқларини доимо муддатидан илгари ошириб бажариш яхши анъана бўлиб қолган. Ўтган 1979 йилда 38 миллион 47 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, пландан ташқари 529 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Умумий ишлаб чиқарган маҳсулотимизнинг 13 миллион 259 минг сўмлигига фахрли беш қиррали белги қўйилган. Бундан ташқари «Н» (янгилик) индекси билан 3 миллион 919 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини дадил қадам билан бошлаган бирлашма меҳнат аҳли беш ойлик планни ҳам муддатидан илгари адо этиб, планга қўшимча бир неча ўн минг сўмлик кийим-кечаклар тикиб бердилар.

Бирлашма асосан аёллар ва қизлар учун кўйлаклар ишлаб чиқаради. Ҳозирги кун талабига мос келадиган ва юксак дидли аёлларимизга ёқадиган замонавий модадаги турли-туман кўйлаклар ишлаб чиқариш чеварлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу борада корхона моделчилари Тошкент модалар уйи билан ҳамкорликда янгидан-янги замонавий кўйлаклар яратиш устида катта ижодкорлик ишларини олиб бормоқдалар. Мазкур ишларнинг натижасида кўпгина буюмлар Давлат Сифат белгиси ва «Н» индексига сазовор бўлмоқда. Ўтган йили бирлашма ишлаб чиқарган 223 моделдаги маҳсулотнинг 98 модели фахрли беш қиррали; 40 модели «Н» индекси билан тайёрланган бўлса, 1980 йилда ишлаб чиқариладиган кўйлаклардан яна 19 хил янги модели Давлат Сифат белгиси билан тайёрланади. Буларнинг ҳаммаси 1980 йил охирида бирлашма ишлаб чиқарадиган ялпи маҳсулотнинг 50 процентини фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқариш имконини беради.

— Биз замонавий бежирим кўйлаклар ишлаб чиқариш билан бир қаторда маҳсулот танархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ассортиментни кўпайтиришга доимо катта аҳамият бериб келмоқдамиз,—дейди бирлашма техника бўлимининг бошлиғи Евгения Захаровна Силиванова. — Бу борада янги техника ва прогрессив технологияни қўллаш яхши фойда бермоқда. Ўтган йили янги мактаб формасини тикишга мўлжалланган, механизациялаштирлган иккита поток линия ишга туширилиши натижасида меҳнат унумдорлиги 11,3 процент ортиб, 23,6 минг иқтисодий самара олдик. Маҳсулот сифатини эса янада яхшиланди. 10 киши ишчи кучи етишмайдиган участкаларга ўтказилди. Механик дазмол линиясининг жорий этиш натижасида эса маҳсулотимиз сифатида кескин бурилиш рўй берди. 25,5 минг сўмлик иқтисодий самара берган бу линия 13 кишини бошқа жойга ўтказишга имконият яратди. Булардан ташқари тикув цехларидаги 22 классли тикув машиналаридан 35 таси янги, замонавий, тезлиги оширилган 1022 классли тикув машиналарига алмаштирилди ва бошқа кўпгина жараёнлар замонавий техника билан таъминланди. Бирлашмамизда янги техника ва замонавий прогрессив технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши натижасида ўтган йил мобайнида 125,7 минг сўмлик соф фойда олинди.- 1980 йилда ҳам бу борада кўпгина ишларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Шу кунгача 1022 классли тикув машиналаридан 20 таси ўрнатилди. Пионер формаси тикишга мўлжалланган поток линия ишга туширилди.

Ўнинчи беш йилликнинг улуғвор режаларини амалга ошириш, аёлларимиз учун қулай, хушбичим кўйлаклар тайёрлаб, уларнинг эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида фидокорона меҳнат қилаётган бирлашма коллективи эришаётган ютуқларида социалистик мусобақанинг роли катта бўлмоқда. Цехлар, бригадалар ва чеварлар ўртасида ўтказилаётган меҳнат беллашувлари фақат пойгадангина иборат бўлиб қолмай, ўқиш, ўрганиш, изланиш ва илғорлар тажрибасини оммалаштиришдан иборат бўлмоқда. Бу борада бирлашма қошида тез-тез ўтказилиб туриладиган «Ўз касбининг устаси» конкурси катта самара бермоқда. Аввало, конкурсга тайёргарлик кўриш жараёнида ишчилар тез ва чаққон ишлаш; сифатли маҳсулот тайёрлаш учун турли усулларини қўллаб, ўз билими ва тажрибаларини ишга солган ҳолда изланиш олиб борадилар. Конкурс якунидан кейин эса илғорларнинг иш усуллари ва тажрибалари бирлашма партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари томонидан ишчилар ўртасида оммалаштирилади.

Куни кеча ўтказилган «Ўз касбининг устаси» конкурсида чеварлардан Дилбар Хўжаева фахрли биринчи, Наталья Добринина иккинчи, Мавлуда Ортиқова учинчи ўринни эгаллаб, юксак маҳорат эгаси эканликларини намойиш этдилар, Буларга ўхшаш ўз касбига меҳр қўйган, тикаётган кўйлакларини доимо аъло сифат билан топшираётган чеварлар корхонада кўпчиликни ташкил қилади. Шу кунгача бирлашма ишчиларидан 160 киши шахсий беш йиллик топшириғини муваффақиятли бажариб ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Булардан Любовь Алексеевна Тесельккина 1983 йилнинг апрель, Сабоҳат Алимуҳамедова 1982 йилнинг декабрь, Людмила Фёдоровна Митрафанова ва Мунаввар Саломовалар 1982 йилнинг декабрь ойлари ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Бирлашмадан қайтар эканмиз, цехларда ҳамон меҳнат симфонияси баралла янграётганини ҳис қилиб турдик. Ҳа, корхонада ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилини ва умуман беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун мусобақа қизғин тус олапти.

К. РИХСИЕВ,
Тошкент олий партия мактабининг тингловчиси, «Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

СУРАТДА: корхона илғор чевари Мавлуда Ортиқова. У ҳозир 1983 йилнинг декабрь ойи ҳисобига ишлаяпти.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯНА БИР ТАНКЕР

СОФИЯ. Русе шаҳридаги кемасозлар коллективи меҳнатда янги ғалабага эришди. Совет Иттифоқининг буюртмаси билан қурилган 5 минг тонна юк кўтарадиган «Волганефть» типидаги янги танкер сувга туширилди.

Русе кемасозлик заводи халқ хўжалигининг муҳим объектидир. Бу ерда дарё ва денгиз танкерлари, катта портларга хизмат қилиш учун нефть ташувчи кемалар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотининг анча қисми СССРга юборилаяпти. Русе кемасозлари яратган ҳар хил типдаги 140 дан зиёд кема ҳозирги вақтда совет байроғи остида сузиб юрмоқда.

Комбинатнинг кенгайганлиги СССР билан БХР ўртасида қардошларча ҳамкорликнинг самарадорлигидан далолат беради. Руселиклар совет мутахассислари ёрдамида кўп юк кўтарадиган кемаларни қуришни муваффақият билан ўзлаштириб олдилар. Совет лойиҳалари асосида танкерлар, кема ускуналари ва радио навигация аппаратлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу танкерлар ва аппаратлар учун СССР корхоналари шу кемалар учун асбоб-ускуна ва аппаратлар етказиб бермоқда.

БОТАНИКА БОҒИ ҚАД КЎТАРМОҚДА

УЛАН — БАТОР. Монголия пойтахтининг шарқи-жанубий чеккасида МХР фанлар академиясининг ботаника боғи учун замин тайёрланмоқда. Бу боғда бир ярим мингдан зиёд турли-туман ўсимликлар бўлади. Боғ территорияси республиканинг барча иқлим районларида мувофиқлашган бир неча зонага ажратилади.

Ботаника боғи экспериментал ботаника соҳасида энг катта илмий тадқиқот маркази бўлиб унга Монголия флораси, планетамиз ўсимликлар дунёси нусхалари тўпланади.

МАХСУС КРАНЛАР

ПРАГА. Угерски-Брод шаҳридаги машинасозлик корхоналарида алюминий заводлари учун ишлаб чиқарилаётган биринчи махсус кранлар Совет Иттифоқига юборилади. Кранлар диспетчерлик пунктидан автомат равишда бошқарилади.

Бундан сал кам 30 йил илгари қурилган корхонамиз Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида буюмларнинг уч хил турини якка ўзи ишлаб чиқармоқда, деди ТАСС мухбирига завод директорининг ўринбосари Иозеф Борисек. 1951 йилда ташкил топганидан бери бу завод мана шундай кранларни, автомобиллар учун монтаж ва ёнгин гидравлик кўтаргичларни ва резина саноати учун энг янги автомат прессларни ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми Совет Иттифоқи, шунингдек бошқа қардош мамлакатларга юборилмоқда. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда совет мутахассислари заводга катта ёрдам бериб турибди. Совет ҳужжатларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

УЙ-ЖОЙ ТАНГЛИГИ

РИМ. Италия газеталари саҳифаларида ҳар куни «Палермо шаҳрида уй-жойсиз кишиларнинг намойиши», «Оммавий кўчириш», «уй-жойсиз кишилар муниципалитет биносини ишғол қилдилар», деган сарлавҳалар пайдо бўлмоқда.

Ҳатто йирик капитал манфаатларини ҳимоя қилувчи буржуа матбуоти ҳам Италияда уй-жой танглиги мислсиз даражада кескинлашганлигини эътироф этишга мажбур бўлмоқда. Миллионлаб итальянлар энг оддий қулайликлари ҳам бўлмаган кулбаларда, қулай-қулай деб турган эски уйларда яшашга мажбур бўлмоқдалар. Айни вақтда Италиянинг кўпгина шаҳарларида замонавий уй-жой бинолари қурилган кварталлар неча йиллардан бери бўш ётибди. Шу уйларнинг эгалари бўлган компаниялар энг кўп даромад олиш мақсадида янги уй-жой қурилишини тўхтатиб қўйдилар.

Сўнгги расмий маълумотларга қараганда, Италияда 1978 йилда уй-жой қурилиши 1964 йилдагига нисбатан 3 баравардан ҳам зиёд камайди.

Уй-жой эгаларининг ижара ҳақини тобора оширишдаги ўзбошимчалигига чек қўйиш мақсадида 1978 йилнинг охирларида қабул қилинган «адолатли ижара ҳақи» тўғрисидаги қонун мавжуд аҳволни янада мушкуллаштирди. Карнай иштаҳалари бўғиб қўйилган уй-жой эгалари квартираларни умуман ижарага беришдан бош тортиб қонун мавжуд эканлигини эслатишга уринган ижарада турганларни кўплаб кўчириб юбормоқдалар.

КИНО САНЪАТИ БАЙРАМИ

ТУНИС. «Пресс де Тюнизи» газетаси Тошкент кинофестивалларининг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги кино санъатининг ривожи учун аҳамиятини юксак баҳолайди,

Тошкент кинофестивали бошқа кинофестиваллардан жуда катта фарқ қилади, деб ёзади газета, у ўзининг кўлами, мақсадлари, бадиий кучи, санъатнинг халқчил мазмуни жиҳатидан ноёб анжумандир. Бу — сўз ва кино тили билан якдилона хилма-хил мунозара қилинадиган буюк анжумандир. «Фестиваль вақтида «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ўзининг холлари ва салонлари, коридорлари ва ресторанлари, бурчаклари ва йўлкалари билан ўзига хос Вавилон минорасига айландики, бу ерда турли тиллар ва лаҳжаларда мунозара бошланадилар, бир фикрга келадилар, бир-бирларини танқид қиладилар ва маъқуллайдилар. Бу фестиваль — ҳақиқий байрамдир», деб хулоса чиқаради «Пресс де Тюнизи» газетаси.

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Елин-Пелиндаги давлат гулчилик хўжалигида лолаларни териб олиш пайти тасвирланган. Болгария тупроғида етиштириладиган ўн минглаб турли-туман гуллар, хризантема, гвоздика ва лолалар ҳар йили самолётлар билан турли мамлакатларга шу жумладан, Совет Иттифоқига ҳам жўнатилиб турилади. БТА—ТАСС фотоси.

КОРХОНА ЁПИЛМОҚДА

НЬЮ — ИОРК. АҚШдаги учта энг катта «Женерал моторс» «Форд мотор» ва «Крайслер» автомобилсозлик коорпорациялари ўзининг яна 15 та корхонасини ёпишни эълон қилди. Америка экономикасида чуқурлашиб бораётган тушкунлик муносабати билан қабул қилинган қарор натижасида 35 мингга яқин меҳнаткаш ишсиз қолади. Ҳозирги вақтда автомобилсозлик саноатидаги ишсизлар сони бир неча юз минг кишини ташкил этади.

ТОҒ ТИЗМАЛАРИ ОША

ДЕҲЛИ, СССР билан Ҳиндистон ўртасида 1977 йилги икки томонлама Совет-Ҳиндистон битими асосида тропосфера алоқа линиясини барпо этиш ишининг тугалловчи босқичи бошланди. Ҳиндистон алоқа министрлигининг бу ерда матбуот учун эълон қилинган махсус ахборотида айтилишича, кўп каналли тропосфера алоқа линияси 1980 йил ноябрида ишга туширилади.

Ҳозирги вақтда Жамму ва Кашмир штатидаги Сринагар шаҳридан 23 километр наридаги Чори Шарф деб аталган кичик тоғлик қишлоқда қабул қилиш—узатиш станциясининг асбоб-ускуналари монтаж қилинмоқда, деб хабар қилишди Ҳиндистон алоқа министрлигида ТАСС мухбирига. Шу ердан ошланадиган радиокўприк Химолай тоғ тизмалари оша Душанбегача етиб боради, бу ерда ҳам махсус алоқа станцияси қурилмоқда.

СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги тропосфера алоқа линияси совет ва ҳинд олимлари ҳамда мутахассисларининг бевосита иштирокида барпо этилмоқда. Совет Иттифоқи Ҳиндистонга Чори Шарф станцияси учун керакли радиотехника ускуналарини етказиб берди.

Тропосфера алоқа линиясининг ташкил этилиши иккала мамлакат ўртасида ахборотни бевосита каналлар орқали пухта равишда доимо бериб туришга йўл очади.

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

ЁШЛАР ВЕТЕРАНГА ТЕНГЛАШИШЯПТИ

Бу воқеани 2-тўқувчилик фабрикаси калавалаш цехи коллективи тантанали равишда нишонлади. Ишчилар меҳнат ветеранини, корхонада чорак аср меҳнат қилган Мария Николаевна Беловани шарафлашди.

— Ишни севаман, цехни севаман,—дейди М. Белова,—гарчи ҳамиша иш осон бўлмаган бўлса ҳам, тўқимачи касбини танлаганимга афсусланмайман.

Мария Николаевна аъло даражада меҳнат қилади, смена топшириқларини 130 процентга етказиб адо этади. У ёш ишчиларга таълим беришни ёқтиради, уларга касб маҳоратини ўргатиш мобайнида ўзи ҳам ўрганади, тажрибаси ортади. У нима иш қилмасин, виждонан бажаради. Кўпгина қизлар маҳоратли ишчи бўлишларида Мария Николаевнадан қарздордирлар.

Жумладан, Э. Қўлдошева ва М. Саидалиева яқиндагина ҳам М. Беловага шогирд эдилар. Ҳозир улар М—150 маркали машинага хизмат кўрсатяпти. Уларнинг муқаддас ва табиий истаги, — меҳнатда устоз маррасини эгаллашдир. Мария Николаевна У. Саидқулова бошлиқ комсомол ёшлар бригадасида катта обрўга эга, ёшлар унинг маслаҳатларига қулоқ солишади, меҳнатда унга тақлид қилишади.

А. РЯСКИНА,
2-тўқув фабрикаси смена мастери.

ШОНЛИ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Шу кунларда комсомол йўлланмаси билан комбинатга кўплаб ёшлар келишяпти. Шу пайтгача одатда ёшлар мастер ёрдамчиси ва ремонтчи касбини танлашарди. Яқинда бизда эски шонли анъаналар қайта туғила бошлади: йигитлар тўқувчи, йигирувчи, ўровчи каби касбларни эгаллай бошлашди. Йигит кишини ип ўраш ёки калавалаш машинасида, тўқув станоги ёнида кўриш бирмунча ғайри табиий бўлса ҳам, тажриба бу касбларни улар анча тез ва яхши эгаллашларини кўрсатяпти.

Масалан, калавалаш цехининг мастери А. Шанкина сменасида бугунги кунда 17 ёш ишчи ишлаяпти. Апрель ойининг ўртасида бу ерга ишга келган кўпгина ёшлар ҳозир калава ўрашни анча ўрганиб қолишди. Уларга беш йиллик калаваловчилик тажрибасига эга бўлган Ҳолида Абдураҳмонова касб ўргатяпти. У ҳозир ўзининг асосий ишидан озод қилинган, фақат ёшларга таълим бериш билан шуғулланяпти.

Цехда ускуна соз ишлаши нақадар муҳимлигини яхши билишади. Мастер ёрдамчиси С. Разматов носозликларни тез бартараф этади. Ёшларни меҳнат жараёнида руҳлантиришга жуда уста.

— Жуда қизиқарли иш. — дейди Рустам Умаров. — Мен ҳозирнинг ўзида 35 бабанга хизмат қиляпман.

Уларга И. Сидорова оталиқ қиляпти. У Рустамнинг ажойиб калаваловчи бўлишига жуда амин.

— Биз Рустам билан, — дейди Т. Ортиқов, — бир томонда ишлаяпмиз, шунинг учун мусобақалашяпмиз. Мен вақтни бой бераётганим йўқ, лекин уни қувиб етишим қийин бўляпти. У ҳамиша олдинда: смена мобайнида 80 килограммдан ортиқ калава йигиради. Бироқ, мен тез вақт ичида бу маррани эгаллайман.

Бу табрикласа арзийдиган орзу.

Ф. ЛИ,
ишлаб чиқариш таълими инструктори.

• *Пассажир транспорти маршрутларида*

МЕТРО ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТАДИ

Тошкент метроси биринчи линиясининг ишга туширилганлигига икки ярим йил бўлди. Бу вақтда метро айниқса Чилонзор ва Акмал Икромов районларининг аҳолисига кўпроқ хизмат кўрсатди. Ҳар суткада пассажирларга хизмат кўрсатиш ўрта ҳисобда 130 мингдан 190 мингга етди. Ҳаммамизга маълумки, 1977 йилда шаҳримиздаги транспорт маршрутларининг 30 процентида ўзгаришлар рўй берди. Кўплаб транспорт маршрутлари ҳамшаҳарларимизни метро станциясигача элтиб қўядиган бўлди.

Яна икки ойдан кейин метронинг иккинчи линияси ишга туширилади. Яна учта метро станцияси йўловчиларга хизмат кўрсата бошлайди. Шу муносабат билан автобус маршрутларида ҳам бир қанча ўзгаришлар рўй беради. Айниқса Қорасув, Шимоли-Шарқ, Високовольт, трактор массивларининг аҳолисига хизмат кўрсатаётган автобус маршрутларида бир қанча ўзгаришлар қилинади: Қорасув массивидан Революция хиёбонигача қатнайдиган 21-экспресс маршрутида Қорасувдан «Ташсельмаш»гача бўлган масофада ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди. Автобус 2-Сельмаш проезди, Воровский кўчаси бўйлаб Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ёнидан ўтиб Самолётсозлар шаҳарчасигача боради. 20 ва 71-экспресс маршрутлари эса бекор қилинади. 89-маршрут бўйлаб Қорасув массивидан Луначарский бозорига борадиган транспорт эса Луначарское шоссеси бўйлаб Горький майдонигача узайтирилади, Навоий номли театрдан трактор массивига қатнайдиган 1-маршрутдаги автобус трактор заводидан Горький майдонигача боради. Шимоли-Шарқ массивидан Комсомол майдонигача қатновчи 69-маршрут иккига бўлинади. Шимоли-Шарқдан Горький майдонига қатнайдиган 71-маршрут, Комсомол майдонидан Олой бозорига борадиган 69-маршрут ташкил қилинади. 4-маршрутли автобус эса Високовольт массивидан Горький майдонигача қатнайди. 102-маршрут Революция хиёбонидан—Қибрайдаги алкоголсиз ичимликлар комбинатига боради. Бу маршрут Горький майдони орқали Красновосточний кўчаси ва Горький проспекти бўйлаб қатнайди. Метронинг иккинчи навбати ишга туширилиши муносабати билан 3, 11 такси маршрутлари ёпилади. Шунингдек, 111 автобус маршрути ҳам бекор қилиниб, «ТашГРЭС»дан Коммунистическая кўчасигача қатнайдиган 115-маршрут хизматидаги транспортлар кўпайтирилади.

Шаҳримиз атрофида қатнайдиган баъзи бир маршрутларнинг масофаси қисқартирилади. Революция хиёбонидан Улуғбек шаҳарчасигача борувчи ва Революция хиёбонидан СоюзНИХИга қатнайдиган автобуслар Горький майдони орқали Шастри автостанциясигача боради.

221-маршрут бўйлаб Тузелдан Луначарский бозоригача қатнайдиган автобус маршрути эса Шастри автостанциясигача узайтирилади. Бу маршрут ҳам Горький майдони бўйлаб ўтади. 221-маршрутнинг узайтирилиши ҳисобига Революция хиёбонидан «Узмедтехника»га борадиган 121-маршрут ёпилади.

Революция хиёбонидан Улуғбек посёлкасигача борадиган 6-маршрутли такси Горький майдонидан қатнайди.

Электр транспортидаги маршуртларда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди.

Бўшаган ҳаракатдаги составлар эса ҳозир маршрутда қатнаётган автобуслар сонининг кўпайишига олиб келади. Транспорт корхоналарининг мақсади ҳар бир маршрутда йўловчиларга аниқ, намунали хизмат кўрсатишдир.

«Оқшом» газетхонларидан илтимосимиз шуки улар ўзларининг таклиф ва истакларини қуйидаги адресга: Тошкент 60, Пролетар кўчаси, 33-уйга юборишсин.

Н. ПАГНАЕВ,
шаҳардаги барча пассажир транспорт турларини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармасининг бош инженери.

Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводининг ишчан коллективи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини шараф билан адо этмоқда.
СУРАТДА: корхона электр аппаратларини ремонт қилиш цехининг илғор ишчиларидан (чапдан-ўнгга) Валентина Ким, Миргиза Самойлов ва мастер Юрий Тарасенко ўртоқлар. Бу коллектив ҳозирги вақтда ўн биринчи беш йиллик топшириқларини адо этмоқда.
М. Нуриддинов фотоси.

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ХРОНИКА

⊙ ЙИГИРУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ тараш-пиликлаш цехининг 23 комсомоли тинчлик фонди учун ишлашди.

... График бўйича бу кун дам олиш куни эди, улар эса цехга келиб, станоклар ёнида ишлай бошлашди. Группа комсорги Р. Гизатуллина меҳнатсеварлик намунасини кўрсатди. У машиналарга тез ва соз хизмат кўрсатиб, смена топшириғини биринчилардан бўлиб бажарди, кейин уни 10 процент ортиғи билан адо этди. Зарбдор тинчлик вахтасида лентачи Ириша Мишун, пиликловчи Жамила Бухорбоева, Лариса Эргашева ва бошқалар юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Шу сменада ишлаб топилган барча пул беш йиллик фондига ўтказилди.

⊙ КОРХОНАНИНГ КАСАБА СОЮЗ АКТИВИ ўз сафида 4,4 минг тўқимачини бирлаштирган. Улар ёрдамида «Ёш ишчига — мураббий марраси», «Бир беш йилликда — икки беш йиллик топшириғи», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» каби қимматли ташаббуслар кенгаймоқда. Ҳозир корхонада 1,4 минг нафарга яқин мураббий 1,9 минг ёш ишчига тўқувчилик касбини ўргатяпти. Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилганлиги туфайли эндиликда 300 ишчи ва 60 бригада беш йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этди.

⊙ 4-БОЛАЛАР ЯСЛИСИ ВА 2-БОЛАЛАР боғчаси коллективлари комбинат касаба союз комитетининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. Бу болалар муассасалари 2 минг 400 дан ортиқ тўқимачиларнинг фарзандларига хизмат кўрсатаётган 18-болалар муассасаси орасида болаларни соғломлаштириш ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича мусобақада пешқадамлик қилган эди. 4-болалар яслисида масалан, кейинги пайтда ўқув тарбиявий ишлари анча яхшиланди, кичкинтойларнинг касалланиши камайди.

⊙ «ТЕКСТИЛЬЩИК» спорт клуби спортчилари яна бир муваффақиятга эришдилар. Май ойи охирида ишлаб чиқариш гимнастикаси бўйича Ўзбекистон ССР енгил саноат корхоналари физкультура коллективлари ўртасидаги мусобақада тўқимачилар биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Тошкентлик қизлар спорт гимнастикаси бўйича тез кунларда Андижонда бўладиган соҳа финал мусобақаларига йўлланма олдилар.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ЎРТАДА ҚОЛГАН КЎЧА»

Шу сарлавҳа остида босилган материалда Октябрь районидаги Маҳтумқули кўчасининг ўйдим-чуқурлиги танқид қилинган эди.

Район ижроия комитетидан олинган жавобда бу кўчага асфальт ёткизиш планга киргизилгани маълум қилинган.

«ЯШИРИЛГАН ШИКОЯТ ДАФТАРИ»

14 мартда босилган юқоридаги сарлавҳали материалда «Техсложбитприбор» шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-бўлимидаги нуқсонлар, жумладан буюртмачилар баъзан овора қилиб қўйилаётгани танқид қилинган эди.

Корхонадан олинган жавобда кўрсатилишича, мақолада кўрсатилган нуқсон тўғрилиги эътироф этилади. Овора қилиб қўйилган буюртмачининг талаби қондирилган. Буюртмачиларга нисбатан ноўрин муносабатда бўлган 18-бўлим мудири В. Суворов қаттиқ огоҳлантирилган.

«ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 14 март сонида босилган материалда Кўкча трамвай бекатида соябон йўқлиги, бу эса йўловчиларга қийинчилик туғдираётгани танқид қилинган эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузуридаги трамвай-троллейбус бошқармасидан олинган жавобда Кўкча трамвай бекатида янги соябон ўрнатилгани айтилади.

Болаларга насиҳатлар

(Таълим-тарбия илми олимларидан Ҳусайн Ҳифзийнинг «Ахлоқ рисоласи» номли асаридан)

Севимли болаларим, бундан аввалги суҳбатларимизда гўзал хулқлар билан танишдингиз, энди ёмон хулқлардан ҳам хабардор бўлиб қўйинг. Гўзал хулқлар инсонга қанчалик фойда етказса, ёмон хулқлар шунчалик зарар етказади, буни унутманг, болаларим!

ИККИ ЮЗЛАМАЛИК. Елғон сўзлар билан икки дўстни бир-биридан совитишни «икки юзламалилик», бу ярамас ишни қилувчини «икки юзлама» деб атайдилар. Масалан, икки ошнаоғайнидан бирига: «Фалончи ошнанг сенинг тўғрингда ёмон сўзлар сўзлади» деса, иккинчи дўстга ҳам шундай дейди. Қарабсизки, у ярамас одамнинг иғвоси туфайли ҳар икки дўст орасига совуқчилик тушади. Ёки бир-биридан гинадор бўлган икки одамнинг ҳар бирига бошқа-бошқа сўзлар сўзлаб, уларнинг кўнгилларини бир-бирларидан бадтар совутади, гиналарини орттиради.

Дунёда бундан ҳам ярамас хулқ топилмайди. Икки юзламалик кишиларни ҳеч ким хушламайди. «Қўйинг, шу икки юзлама одамни менга сўзламанг, менга келиб бошқа сўз, сизга келиб бошқа сўз сўзлайди, одамларнинг орасини бузишдан бошқа иши йўқ»,—деб у билан кўришишни истамайдилар, унинг ёнидан қочадилар.

Азиз болаларим, айтингчи, икки юзламачилар шу ярамас одатларидан бирор фойда кўрадиларми? Ҳеч-да. Асло фойда кўрмайдилар. Шунинг учун, болаларим, бу иргаҷли хулққа одатланманг, икки юзламачиларга асло яқинлашманг, улар билан суҳбатлашманг.

ҚЎПОЛЛИК ВА АЧЧИҚ СЎЗЛИЛИК. Ҳар кимни ёмон сўзлар сўзлаб камситган, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб, безорилик қилган одамни ҳеч ким севмайди. Йўлда кетаётган одамга қўпол сўзлар айтиб, уни камситиш, масхара қилиш энг ярамас одатлардан биридир. Бировнинг устидан масхара қилиб кулиш, ҳар кимга аччиқ сўзлар айтиб, у билан қўпол муомала қилиш —гўзал ахлоқли, тарбияли одамнинг иши эмасдир.

Севимли болаларим, сира ҳам қўпол сўзли, аччиқ тилли бўлманг, тилингизни қўпол, аччиқ сўзлашдан тийинг. Очиқ юзли, ширин сўзли бўлинг. Тилингизни доимо яхши сўзлар сўзлашга кўниктиринг. Ҳеч кимнинг кўнглини ёмон сўзлар айтиб, бузманг. Боболаримиз: «Яхши сўз —жон озиғи, ёмон сўз —бош қозиғи» деб бекорга айтмаганлар. Очиқ юзли, ширин сўзли бўлсангиз, ҳар ким сизларни севади. «Бу болалар қандай яхши, одобли, тарбияли болалар, буларни шундай гўзал тарбия қилган ота-она ва муаллимларига раҳмат!» деб ҳамма сизларни олқишлайди. Шундай эмасми, оппоқ болаларим?

ЖАҲОЛАТ. У инсоннинг билиши керак бўлган нарсаларни билмаслигидир. Жаҳолат дунёда энг ярамас нарса бўлиб, инсонни ҳар хил оғирликларга туширади, ҳар ким қошида эътиборсиз этади. Жаҳолат илмнинг душмани бўлгани каби жоҳил инсонлар ҳам билмаган нарсаларининг душманларидирлар. Илм инсонларға иззат, обрў, бахт- соадат бағишласа, жаҳолат унга обрўсизлик, хор-зорлик келтиради. Шунинг учун болаларим, илм, ҳунар ўрганишга ғайрат қилиб, олим ва ҳунар эгаси бўлиб етишинг. Жаҳолат, нодонлик одамни уятли ҳолда қолдиради, илм, ҳунар эса эътиборли, иззат ва ҳурматли этади, буни асло унутманг.

ҒИЙБАТ. бир одам ҳақида ҳар кимга беҳуда, ёмон сўзлар сўзлаб юриш ғийбат деб аталади. Ғийбат ёмон хулқлардан саналади. Ғийбат қилинган одам ғийбатчининг сўзларини албатта эшитмасдан қолмайди. У ҳам ғийбатчи ҳақида ғазабланиб, ярамас сўзлар сўзлашга мажбур бўлади. Шу билан ҳар иккиси бир-бирига душман бўлиб қолади.

Болаларим, ғийбат деб аталган хулқ икки дўстни, икки қўшнини бир-биридан ажратиб юборади. Ўртоқларингиз, қўшниларингиз билан яхши яшашни истасангиз, бу ярамас қилиқдан қочинг, ғийбатчи, иғвогарларнинг сўзларига сира ҳам қулоқ солманг, хўпми, севимли болаларим!

Ш. ЗУННУН
тайёрлаган.

ФАРЗАНД КАМОЛИ— КАТТАЛАР ҚЎЛИДА

Педагог ўйлари

Дунёда бола тарбиясидан қийин, лекин завқли ва шарафли иш йўқ. Ота-она болани оилада тарбиялар экан, унга мактаб ўқитувчиси, айниқса синф раҳбари яқиндан ёрдам бериши нур устига нур бўлади. Зеро, боланинг яслида, боғчада ва мактабда оладиган тарбияси оилада олаётган тарбиясига тўғри, бир-бирига мослашган бўлиши унинг одобида, тарбиясида, ўқишида яхши натижаларга эришувини таъминлайди.

Ҳар бир синф раҳбари ота-оналар билан ўтказадиган турли йиғилишларда ва якка-якка суҳбатларида бола тарбиясига яхши таъсир кўрсатадиган омилларга аҳамият беришлари керак. Бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган уч асосий шарт-шароитни ҳисобга олган яхши.

Биринчиси, болаларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида қарайдиган ишбилармон ва шижоаткор қилиб тарбиялашдир. Буни амалга ошириш учун ҳар бир ота-она ўз фарзандлари олдида ҳурматга сазовор бўлиши лозим, чунки ота-онани менсимаган, ҳурмат қилмаган бола бошқаларни ҳам менсимайди, ҳурмат қилмайди. Ҳар бир ота-она ўз фарзандлари олдида бачканалик қилмаслиги, бўлар-бўлмас гапларни, сўзларни сўзламасдан, хушмуомалалик, ширинсуханлик билан, бир-бирига бўлган иззат-ҳурмати билан намуна бўлиши керак. Шу билан бирга, боланинг ўғил бола ёки қиз болалигини ҳисобга олиб, уларнинг ёши ва кучига қараб вазифа топшириб, бажарган ишига тўғри баҳо бериш лозим.

Тажриба шуни кўрсатадики, айрим отаоналар ўз фарзандларига бир ишни топширадилар-да, унинг ижросини кутмасдан унутиб юборадилар. Натижада болада ота-она томонидан топширилган ишни ўз вақтида бажариб қўйиш масъулияти йўқолиб, кейинги топшириқларига бефарқ қарашга одатланиш расм бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, болага ҳаддан ташқари оғир ишларни топшириб бажаришга мажбур қилиш ҳам ярамайди. Ҳар иш ўз меъёрида бўлсин.

Болага топширилган ишнинг натижасини текширганда дўқ қилиш, сўкиш, силташ, жеркиш яхши эмас, бу, болани ўжар қилиб қўяди, ишга бўлган қизиқишини сўндириб қўяди. Аммо болага бир иш буюришда унга ялинавериб, тобе бўлиб ҳам қолмаслик керак. Бундай ҳолатда бола ўзича мустақил бир иш қилолмайдиган, аксинча отаонасини ҳамма вақт ялинтириб иш бажарадиган, хоҳламаса бажармайдиган бўлиб қолади. Айрим болаларнинг ўжар, қайсар, ишёқмас, ялқов бўлиб қолишлари худди шундан бошланади. «Мен нима десам отам ҳам, онам ҳам кўнади, ялинади, ёки бирор нарса олиб беришга ваъда беради», деб уларнинг топшириқларига эътиборсиз қарайди.

Маълумки, ҳар қандай бола ҳам онадан ўжар, қайсар, яхшиёмон, итоатсиз, ҳар бир нарсага қобилиятли ёки қобилиятсиз бўлиб туғилмайди. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси уларнинг оиладаги ўзидан катталардан олган тарбиясига боғлиқ.

Ҳар бир бола мактаб ёшигача яслида, боғчада ўзидан катталарнинг сўзига қулоқ солишга кўникмаса, у мактабга чиққанда ўқитувчиларни анча қийнайди, коллективдан ажраб, пассив бўлиб қолади.

Иккинчиси, уйдаги ишларни болаларга тақсимлаб бериш орқали уларни тўғри тарбиялашдир. Боланинг вазифасига кирадиган ишларни белгилаб бериш ва уни бажариши ўзидан катталарнинг ишига фойда етказишга ўргатади. Агар бола бунга ўргатилмаса у фақат ўзинигина ўйлайдиган, бошқалар учун жон куйдирмайдиган бўлиб қолади.

Бола қандай оилада тарбия олишидан қатъи назар, у ўз хоҳиши бўйича ўсмасдан, ҳамма вақт отаона ва мактаб ўқитувчиларининг назоратида бўлмоғи айни муддаодир. Ҳаммамизга маълумки, болада бўлган камчиликларни тузатиш унинг ёшлик чоғида осон, катта бўлганда эса, қайта тарбиялаш анча қийин бўлади. Ёмон тарбия кўрган бола ота-онани, мактабни, жамоатчиликни қийнайди.

Болаларни ёшлигидан тўғри тарбиялаб катта-кичик вазифаларни бажаришда катталар билан бирга қатнашишга ўргатиш лозим. Лекин, айрим ота-оналар ўз фарзандларидаги катталарнинг ишига ёрдамлашиши соҳасидаги бўлган қизиқишларини ўстириш, тарбиялаш ўрнига ундаги бўлган қизиқишни менсимай, чегаралаб, сўндириб қўядилар. Раҳима Саматова деган қўшнимиз бор. У бир куни ҳовлига сув сепиб, супураётган эди. Тўрт ёшли қизи Салима ҳам кичик пақирчасида сув сепиб, ўзининг кичик супургисида ҳовлини супура бошлади. Қизининг бу ишини кўрган опаси:

— Қўй тирмизак, ҳаммаёқни чангитиб юбординг,— деб уни койиб берди.

Салима опасига ширин тил билан:

—Ойижон, мен ҳам тожа супуяман,—деди ялиниб.

Опаси унга дўқ урди:

— Қўй дедимми, қўй қулоқсиз!!!— Опаси жажжи қизалоқнинг қўлидаги челакчаси билан супургини юлиб олиб, улоқтириб юборди.

Қизалоқ опасига орқа ўгириб, кўз ёшларини оқизиб унсиз йиғларди. Кўриниб турибдики, она бу билан яхши иш қилмади. Қизалоқнинг бошланғич меҳнатга бўлган қизиқишини ошириш, тоза супуришни ўргатиш ўрнига ундаги умидни ўлдирди.

Ота-онанинг вазифаси—боланинг меҳнатга бўлган завқ-шавқини ёшликдан ошириш ва тўғри тарбия беришдир.

Учинчиси —болада бўлган мустақилликни тарбиялашдир. Болани ёш вақтидан бошлаб ўзи кийинишга, ечинишга, ўзи овқатланишга, ўқув қуролларини жой-жойига қўйишга, рўмолчаларни ювишга, оёқ кийимларини артиб қўйишга одатлантириш лозим. Шуни унутмангки, бола ўзи уддалай оладиган ишларни ҳеч қачон бажариб берманг. Бунда боладаги ишга бўлган қобилият ривожланмай, ялқов бўлиб қолади.

Афсуски, айрим отаоналар бунга риоя қилмайдилар. Бола мактабга кетаётганда ўқув қуролларини йиғиштириб папкасига жойлаб берадилар, ботинкасининг ипини боғлайдилар чангини артиб қўядилар, ҳатто юз-қўлларини ювадилар. Улар бу билан болага ёрдам бермайдилар, балки болани бўшанг, ҳеч нарсани эплолмайдиган қилиб қўядилар. Бола ўзи бажарадиган ишларни қанчалик яхши адо этса мустақилликка шунчалик тез ўрганади. Шундай қилинган тақдирда боланинг мактабдаги ўқиши ҳам, коллектив ўртасидаги ҳаракати ҳам, обрў-эътибори ҳам намунали бўлади.

Бола тарбиясига доир шу каби масалаларни ота-оналарга тушунтириб бериш мактабдаги тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва ўқув сифатини юқори кўтаришга катта ёрдам беради.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, кекса педагог.

Москвалик рассом Петр Космолинскийнинг коллекциясида рус армияси турли қўшинларининг рухдан ясалган беш юздан зиёд намунаси бор. Уларнинг ҳаммасини рассом ўз қўли билан ясаган. Петр Космолинский бундан беш йил муқаддам, оммабоп журналлардан бирида рухдан фигуралар қуйиб ясаш усули ҳақида ўқигандан сўнг чинакам шуғуллана бошлаган эди. Ўшанда унда рус ҳарбий мундирининг рух фигуралардаги тарихини яратиш ғояси пайдо бўлган эди.

СУРАТДА: Петр Космолинский ва унинг «армияси».

ТАСС фотохроникаси.

«Ташгипрогор» лойиҳа институтининг аҳил коллективи замонавий типдаги турар жой ва маъмурий бинолар, боғчалар лойиҳаларини тайёрлаб бермоқда.

СУРАТДА: шу институтнинг 5-устахонаси лойиҳа бош инженери Александра Куценко (ўртада) ўз ҳамкасблари билан навбатдаги лойиҳа устида фикр алмашмоқда.

И. Шонногомов фотоси.

ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

Бу йил ўрта мактабни битирувчи ўқувчиларни катта ҳаёт йўли кутяпти. Ешлар завод ва фабрикаларга, институт ва техникумларга ҳамда ҳунар-техника билим юртларига йўл олишади. Шу боисдан кўплаб ёшлар редакциямизга хат йўллаб, республикамиз олий ўқув юртлари, ўқитиладиган ихтисосликлар, уларга қабул қоидалари ҳақида маълумот беришни сўрашган. М. Жўраев, Б. Аҳмедов, А. Солиев, З. Йўлдошева, Н. Хуррамов, Н. Шерназаров, М. Раҳимов, Қ. Султонов ва бошқалар шу мавзуда савол беришган.

Мухбиримиз газетхонларнинг саволлари асосида Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олий ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи Учқун Алиевич Исамуҳамедов билан суҳбатлашди.

—Мамлакатимиз ёшлари билим олишлари учун беқиёс имтиёзларга эгадирлар, —дейди У. А. Исамуҳамедов.—КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилинган «Олий мактабни ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарори бу борадаги яна бир ғамхўрлик бўлди. Янги қарор малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан олий ўқув юртлари коллективлари олдига катта вазифаларни қўйди. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ана шу қарор асосида 1980 йилда олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидаларини тасдиқлади.

Янги тартиблар халқ хўжалигининг жадал ривожланаётган тармоқларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган. Шунга кўра, мактабни олтин медаль билан тамомлаган ёшларга, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан битирганларга қўшимча енгилликлар берилган. Улар металлургия, кончилик ва нефть саноати, газ саноати, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалиги бошқа етакчи тармоқларининг жуда камчил ихтисосларига конкурс имтиҳонларсиз олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу енгилликлар Москва, Ленинград, Киев, шунингдек Закавказье иттифоқдош республикалари ва Молдавия олий ўқув юртларига кириш учун ариза топширадиган абитуриентларга тааллуқли эмас.

—Учқун Алиевич, Ўзбекистон ССР олий ўқув юртларида ҳам камчил ихтисослар, яъни республикамиз қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалиги учун етишмайдиган мутахассисликлар аниқланганми? Жумладан, Тошкент автомобиль йўл институтида ўқитиладиган ихтисослар бунга кирадими?

—Ҳар бир иттифоқдош республикада, шунингдек, Ўзбекистонда камчил ихтисослар аниқланган. Бизнинг республикамизда саккизта ана шундай ихтисослик бор. Бу ҳақда олий ўқув юртларининг ректорларига тегишли маълумотлар берилди. Лекин, Тошкент автомобиль йўл институтида ўрганиладиган ихтисослар бу рўйхатга киритилмаган. Бу институтга кириш учун умумий тартибда имтиҳон топширилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, жуда камчил ихтисосларни танлаган ва ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатда ўртача бали тўрт яримдан кам бўлмаган кишилар профил ихтисослардан иккита имтиҳон топширадилар. Камида саккиз балл олган абитуриент олий ўқув юртига қабул қилинади. Ана шу предметларнинг бирортасидан «уч» баҳо олган киши бошқа имтиҳонларнинг ҳаммасини топширади.

— Айрим оқшомхонларни Тошкент ва пойтахт областидаги олий ўқув юртлари сони ва уларнинг сиртқи бўлимларига қабул муддатлари қизиқтиради. Шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон ССР олий ўқув юртларининг сони ва уларда ўқитиладиган мутахассисликлар бўйича мамлакатимизда олдинги ўринлардан бирида туради. Ҳозир республикада 43 та олий ўқув юрти бўлиб, бундан 19 таси Тошкентда ва биттаси пойтахт областида жойлашган. Турли жойларда уларнинг ўнлаб филиаллари ишлаяпти.

Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларига ҳужжатлар қабул қилиш 20 апрелда бошланган бўлиб, 1 сентябргача давом этади. Имтиҳонлар эса бир неча потокларда 15 майдан 10 сентябргача ўтказилиши керак. Студентлар составига киритиш эса 21 августдан 20 сентябргача ўтказилади.

— Институтларда қисқа муддатли тайёрлов курслари ташкил этилганми?

—Ҳар йили юзлаб йигит ва қизлар тайёрлов курсларида пухта билим олиб, кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишяпти. Шуни назарда тутиб, бу йил ҳам барча институтларда ана шундай тайёрлов курслари ташкил этилган.

—Олий ўқув юртини битириб, бошқа институтга кириб ўқиш тартиби қандай?

—Олий ўқув юртини битирган киши ишлаётган касби билан боғлиқ иккинчи мутахассисликни эгаллаши шарт бўлса, бошқа институтга кириб ўқиши мумкин. Унинг қайси имтиҳонларни топшириши ва нечанчи курсга қабул қилинишини олий ўқув юртининг ректорати ҳал қилади.

— Ҳунар-техника билим юртини битирган ёшлар медицина олий ўқув юртларига кириб ўқишлари мумкинми?

—Ҳунар-техника билим юртларини битирган ёшлар барча олий ўқув юртларига, шу жумладан, медицина олий ўқув юртига кириб ўқиш имкониятига эгадирлар. Улар билим юрти йўлланмаси бўйича уч йил ишлаб келган, олий ўқув юртларига умумий тартибда имтиҳон топшириб киришлари лозим.

Суҳбатни
М. МУРОДОВ
олиб борди.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. БЎРОНОВ: Отам Улуғ Ватан урушининг учинчи группа инвалиди эди. 64 сўм меҳнат пенсияси олар эдилар. Яқинда вафот этдилар. У кишининг пенсияларини ўн уч ёшли укам тўла олиши мумкинми?

Жавоб: Амалдаги тартибга кўра меҳнат пенсияси олаётган киши вафот этганда унинг пенсиясини турмуш йўлдоши ёки вояга етмаган, яъни 16 ёшга тўлмаган фарзанди олиши мумкин. Лекин фарзандларга отаси олаётган пенсия тўла миқдорда берилмайди. Вояга етмаган фарзанд район социал-таъминот бўлимига ариза бериши керак. Социал-таъминот бўлими ходимлари оиланинг қандай таъминланганини ҳисобга олган ҳолда пенсия миқдорини белгилайди. Тартибга кўра, таъминотчи ҳисобланган пенсионер вафот этганда, унинг фарзандларига 26 сўмдан 60 сўмгача пенсия белгиланиши мумкин. Вафот этган пенсионернинг фарзанди 16 ёшгача, агар бирор техникум, олий ўқув юртида ўқиётган бўлса 18 ёшга тўлгунча отасининг социал-таъминот бўлими томонидан белгиланган пенсиясини олиши мумкин.

⁂

А. ХЎРСАНОВ: 9 май куни 1-маршрутда қатнайдиган автобусда кетаётиб, «Жасорати учун» медали топиб олдим. Шу медални нима қилай? Ёки уни ҳарбий комиссариатга топширишим керакми?

Жавоб: Сиз топиб олган медалнинг эгаси тошкентлик ҳам, республикамиз пойтахтига келган меҳмон ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун медални республика ҳарбий комиссариатига топширсангиз яхши бўлади. Республика ҳарбий комиссариати Сапёрлар кўчасида жойлашган. У ерга 7-трамвайда бориш мумкин.

⁂

С. АШИРОВ: Пенсия ёшига тўлишимга беш йил қолди. Бироқ ҳозир бажараётган ишим оғирлик қиляпти. Яъни саломатлигимга тўғри келмаяпти. Шунинг учун ҳам енгилроқ ишга ўтмоқчиман. Оладиган маошим анча камаяди. Айтингчи, бу мен пенсияга чиқаётганимда тайинланадиган пенсия миқдорига таъсир қиладими ёки қилмайдими?

Жавоб: Ишчи ва хизматчиларга давлат пенсияси тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомга кўра пенсияга чиқаётган кишига пенсияга чиқиш олдидан олган ўртача маошининг маълум миқдорида тайинланади. Ўртача маош миқдори ишчининг сўнгги 12 ойда олган иш ҳақи ҳисобидан чиқарилади.

Шунингдек, ишчининг талабига кўра у пенсия олиш учун ариза берган кунгача бўлган ўн йилнинг биринчи ёки иккинчи беш йиллиги ҳисобидан пенсия тайинланиши мумкин. Пенсия тайинланиши лозим бўлган беш йилликда ишчининг ишга чиқмаган вақти умумий ҳисобда 12 ойдан ошмаган бўлиши керак.

• Ўғил-қизларингизга ўқиб беринг

СЕҲРЛИ КУРСИ

(ЭРТАК)

Яқин бир танишимнинг айтишига қараганда, қайсидир шаҳарда Улуғбек номли хушфеъл, чаққон, ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган ажойиб бир бола бормиш. Кунлардан бир куни унинг бобаси Ҳамидулла ота юз ёшга кириб, узоқ-яқиндаги барча кишилар бобони қандай совға билан қувонтириш ҳақида ўйлай бошлабдилар. Улуғбек ўз хонасига кириб, стулга ўтириб, ўйга толибди. Унинг бунақа ўйга толганини аввал ҳеч ким, ҳеч қачон кўрмаган экан. Бир вақт унинг юзи тонг қуёшидай ёришиб кетибди. Қўлига қалам олиб, қоғозга шакл чиза бошлабди. У икки-учта энг ишбилармон ўртоқлари билан маслаҳатлашган экан, улардан бирови болға, мих, симлар олиб чиқибди. Неча вақт шивирлаб гапиришиб, тарақ-туруқ қилиб, тер тўкиб ишлашиб, охири ажойиб бир курси дунёга келтиришибди. Бобонинг ёшини нишонлаш тўйи куни буни саҳнага чиқариб қўйишибди. Ясаниб олган шод Улуғбек тўй бошқарувчи амакидан сўзлашга рухсат олгач, катталардай томоқ қириб олибдида:

— Азиз бобожон! —дебди у тўрда ўтирган бобосига қараб, — меҳнатда, одамгарчиликда, одоб-аҳлоқда ҳалигача барчамизга ўрнак бўлиб келяпсиз. Биз болаларни ҳар вақт жони-дилингиздан севасиз. Ажойиб эртаклар айтиб бериб бизни қувонтирасиз. Кейин, ҳў бир куни... оёғим оғриброқ қолди деган эдингиз, шуни ўйлаб сизга ажаб бир курси ясадик...

Улуғбек курсига ишора қилиб, сўзини давом эттирибди:

— Барча болалар номидан шу сеҳрли курсимизни сизга совға қиламиз. Бунинг жиловини тортсангиз, ичидаги механизмлар ҳаракатга келиб, сизни осмонга кўтариб учади. Лекин, бобожон, бу курси... тез учса, ёки силкиниб кетса, қўрқиб, шошиб қолманг, яна юзингизга шамол қаттиқ тегмасин деб, буни беозор қилиб ясадик. Қариндош-уруғларни кўришга борасизми ёки иш кетидан борасизми, сайр-томошага чиқасизми, бу курси хизматингизга тайёр. Чордона қуриб ўтириб, бемалол атрофни томоша қилиб боравераcиз. Оёғингиз ҳам чарчамайди...

Бу гапларни эшитиб барча ҳангу-манг бўлиб қолибди. «Бу боланинг совғаси барчамизнинг совғамиздан ўтиб кетди-ку, тарбия берган устозларига, ота-оналарига раҳмат-эй!» дейишибди. Курсини синаб кўришмоқчи бўлишибди.

— Аввал мен ўзим учириб кўрсатай амакижонларим! — дебди Улуғбек. У курсига чиқиб ўтириб тизгинини тортибди. Курси хавога юксалибди. Баланд кенгликларда қанотини қимирлатмай учган сор-бургутлар каби аста давра олиб уча бошлабди. Охири пастлаб ерга қўнибди. Ҳар ёқдан қарсак, шод олқиш овозлари янграбди. Бобо меҳр билан боланинг пешанасидан силабди:

— Омон бўлинглар қўзичоқларим, сизларни кўриб ёшараман, кўнглим тоғдек ўсади! — дебди.

Чиндан ҳам набираларининг меҳрибонликлари сабабли бобо лар узоқ яшарканлар!

Турғунбой ҒОЙИПОВ.

ЎЗБЕК РАССОМИНИНГ АСАРЛАРИДА— ҲИНДИСТОН ТАСВИРИ

Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаевнинг Ҳиндистонга бағишланган асарлари бутун бир галереяни ташкил этди. Бу асарлар ана шу мамлакат бўйлаб қилинган сафарлар вақтида яратилган эди. Рассом машҳур Тожмаҳални тасвирлаб чизган. Меъморлик санъатининг муҳташам намунаси эрта тонгда чиқиб келаётган қуёш фонида чизилган, шунинг учун Тожмаҳал бир мунча саробга ўхшаб кўринади.

Абдулҳақ Абдуллаев шу мамлакат таниқли жамоат арбоблари ва оддий кишиларининг ўнлаб портретларини: Индира Ганди, Сайфиддин Китчлунинг портретларини яратди. Ана шу асарларнинг кўпчилиги Москвада шарқ халқлари санъати давлат музейи, Ўзбекистон Давлат санъат музейи каби музейларнинг мулки бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

РУЛДА—АВТОМОБИЛЬ МАКТАБИНИНГ ҲАЙДОВЧИЛАРИ

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги қошидаги автомобиль мактаби мамлакатимиздаги такси ва автобус ҳайдовчилари тайёрлаш бўйича ихтисослашган мактаблардан бири ҳисобланади. Бу йил мактабни ташкил қилинганига беш йил тўлади. Ҳозир шаҳар транспортида шу ерда тарбияланган икки мингдан зиёд ҳайдовчи меҳнат қилмоқда.

— Мактабимиз курсантлари, — дея ҳикоя қилади мактаб директори Тўрабек Жўрабеков, — ўқиш давомида йўл ҳаракати қоидасини, машиналарни ҳайдаш, шунингдек, машиналарнинг тузилишини, уларга техник хизмат кўрсатишни, ремонт ишларини ўрганишади.

Мактабдаги педагогларнинг кўпчилиги юқори малакали мутахассис, ёшларнинг ҳақиқий мураббийларидир. Уларнинг орасида амалий ҳайдаш мастерлари Исмоил Туропов, Константин Яковлевич Бельш, автомобиль тузилишини ва йўл ҳаракати қоидасини ўргатувчи ўқитувчилар Маннон Абдувалиев, Акбар Жалилов ва Одил Файзиевлар бор.

Мактабда билимларни пухта ўрганиш учун ҳамма шароит муҳайё. Предметлар кабинетлари, устахоналар яхши жиҳозланган. Устахоналарга автотренажер ўрнатилган. Бу ердаги Чехословакиядан келтирилган тўртта машина ва кенг экранлар курсантларга бир жойда қимирламай турган ҳолда дастлабки километрларни босиб ўтиш, машиналарни бошқариш сирларини мукаммал ўрганиб олишларига ёрдам бермоқда. Ва ниҳоят, ёнига «ўқув машинаси» деб ёзиб қўйилган «Волга» ва автобуслар ҳар куни Тошкент кўчаларидаги транспортлар қаторида ҳаракатланади ёки ўқув автодромида мураккаб манёврларни бажаради.

СУРАТДА: амалий ҳайдаш мастери Акбар Жалилов ўз шогирдлари билан.

А. Усмонов фотоси.

(ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети Марксизм-ленинизм университетининг дирекцияси маълум қиладики, битирувчиларнинг дипломлар топширилишига бағишланган тантанали йиғилишлари Марксизм-ленинизм университетида — Пушкин кўчаси, 17-уйда бўлади:

партия-хўжалик активи факультетининг (бўлимлари бўйича) битирувчилари учун— 20 июнь куни соат 18 да ва 21 июнь куни эрталаб соат 11 да;

идеология кадрлари факультетининг (бўлимлари бўйича) битирувчилари учун 23 ва 24 июнь кунлари соат 18 да.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ!
ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!
БУ ЖУДА ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 24, 32, 33, 35, 39, 41, 44, 46 (468...АТСдан ташқари), 48, 53 (537... ва 538... АТСдан ташқари), 56, 62, 64 (645..., 646..., 647..., 648... ва 649...АТСдан ташқари), 66, 76, 77, 78, 90, 91, 96 АТС АБОНЕНТЛАРИ ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИ МУМКИН. СИЗЛАРГА ҚУЛАЙ БЎЛИШИ УЧУН ЕТТИ РАҚАМГАЧА ЕТМАГАН БЕЛГИЛАР ШАҲАРЛАР КОДИДА ҲИСОБГА ОЛИНГАН.

СИЗЛАРДАН ШАҲАРЛАР КОДИ БИЛАН ТАНИШИШ ВА УЛАРНИ ТЕРИШ ҚОИДАЛАРИНИ ЎРГАНИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛАМИЗ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ОРҚАЛИ БОШҚА ШАҲАР АБОНЕНТИНИ ЧАҚИРИШ УЧУН ҚУИНДАГИЛАР ЗАРУР:

— «8» рақамини териш (АМТСга уланиш учун), кейин, узлуксиз гудок— станция жавобини эшитгач, кетма-кет терилади:
— чақирилаётган шаҳар коди;
— чақирилаётган шаҳардаги телефон номери;
— сиз гапираётган телефон номери (44, 62, 66-АТС-лар учун).
24, 32, 33, 35, 39, 41, 46, 48, 53, 56, 64, 76, 77, 78, 90, 91, 96-АТС абонентлари ўз телефонларининг номерларини термайдилар.

Рақамлар терилаётганда улар оралиғидаги вақт 4 секунддан ошмаслиги керак, акс ҳолда алоқа уланмай қолади.

Керак бўлган шаҳар кодини ва абонент телефон номерини теришдан олдин ёзиб олишни тавсия қиламиз.

Кодининг дастлабки уч рақамини тераётганда янглишсангиз «номер нотўғри терилди» деган механик товуш эшитилади, шунда номерни қайтадан териш керак.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЛГАН ШАҲАРЛАРНИНГ КОДЛАРИ:

Шаҳарларнинг номи	Тошкентдан АМТСга чиқиш	Код	Чақирилаётган телефон номери	Справка бюроси
Оққўрғон	8	255	xxxxx	91222
Олмаота*	8	3270	xxxxxx	695122
Олмалиқ	8	2610	xxxx	2222
Ангрен	8	2660	xxxx	2222
Андижон*	8	37422	xxxxx	42222
Арзамас (Горький)	8	83147	xxxxx	32222
Ашхобод*	8	36300	xxxxx	51061
Оҳангарон	8	2640	xxxx	2222
Бекобод*	8	2910	xxxx	2222
Белая Церковь (Киев)	8	04463	xxxxx	51299
Богородск (Горький)	8	83170	xxxxx	31550
Бўка*	8	257	xxxxx	35222
Бухоро	8	36500	xxxxx	32222
Винница	8	04300	xxxxx	22222
Владимир	8	092000	xxxx	2222
Волгоград*	8	8442	xxxxxx	330301
Вологда	8	81700	xxxxx	22222
Волгодонск (Ростов)	8	86348	xxxxx	22209
Волосово (Ленинград)	8	81273	xxxxx	—
Володарка (Киев)	8	04469	xxxxx	51351
Волхов (Ленинград)	8	81263	xxxxx	—
Всеволожск (Ленинград)	8	81270	xxxxx	—
Выборг (Ленинград)	8	81278	xxxxx	22502
Газалкент	8	274	xxxxx	21409
Гатчина (Ленинград)	8	81271	xxxxx	22222, 22283
Горький	8	8312	xxxxxx	362222
Грозный	8	87100	xxxxx	34502
Гулистон*	8	36722	xxxxx	22222
Жамбул*	8	32600	xxxxx	30707
Жиззах	8	372000	xxxx	2222
Дзержинск (Горький)	8	83140	xxxxx	51124
Днепропетровск	8	0560	xxxxxx	222222
Душанбе	8	3770	xxxxxx	222222
Дубовка* (Волгоград)	8	84458	xxxxx	—
Ереван	8	8850	xxxxxx	422240
Ивано-Франковск	8	03400	xxxxx	22222
Житомир	8	04100	xxxxx	72222
Иссиқ* (Олмаота)	8	327075	xxxx	2183
Калач* (Волгоград)	8	84472	xxxxx	22952
Каменск (Ростов)	8	86346	xxxxx	59085
Камишин* (Волгоград)	8	84457	xxxxx	23019
Қапчағай* (Олмаота)	8	32772	xxxxx	21109
Қарағанда	8	3210	xxxxxx	543636
Қарши	8	375000	xxxx	4504
Қасансай* (Олмаота)	8	32771	xxxxx	91963
Қизил Урда	8	32400	xxxxx	66908
Қибрай	8	295	xxxxx	61222
Киев	8	0442	xxxxxx	222222
Кингисепп (Ленинград)	8	81275	xxxxx	—
Киров	8	83300	xxxxx	22222
Кировоград	8	05200	xxxxx	22222
Кишинёв	8	04200	xxxxx	22222
Қўқон	8	360000	xxxx	2222
Кокчетов	8	31600	xxxxx	62121
Краснодар	8	86100	xxxxx	50333
Кстово (Горький)	8	83145	xxxxx	22222
Куйбишев **	8	8460	xxxxxx	332583
Қўрғонтепа* (Андижон)	8	37472	xxxxx	11222
Ленинобод	8	37900	xxxxx	62222
Ленинград	8	812	xxxxxxx	—
Ленинск* (Волгоград)	8	84478	xxxxx	—
Ленинск* (Андижон)	8	37436	xxxxx	22222
Лодейное Поле (Ленинград)	8	81264	xxxxx	—
Ломоносов (Ленинград)	8	81276	xxxxx	—
Луга (Ленинград)	8	81272	xxxxx	22163
Львов	8	0320	xxxxxx	222222
Миллерово (Ростов)	8	863040	xxxx	3509
Минск*	8	0170	xxxxxx	362222
Михайловка* (Волгоград)	8	84463	xxxxx	22255
Москва	8	095	xxxxxxx	—
Нальчик	8	86600	xxxxx	22111
Наманган*	8	36900	xxxxx	62222
Новосибирск*	8	3832	xxxxxx	224541
Новошахтинск (Ростов)	8	863049	xxxx	2359
Новочеркасск (Ростов)	8	86345	xxxxx	23205
Нукус	8	36100	xxxxx	22222
Оржоникидзе	8	86722	xxxxx	38188
Ўш*	8	33200	xxxxx	21106
Павлово (Горький)	8	83171	xxxxx	21222
Павлодар (Қозоғистон)	8	31800	xxxxx	52755
Пойтуғ* (Андижон)	8	37431	xxxxx	22222
Палласовка (Волгоград)	8	84492	xxxxx	61835
Переяслав-Хмельницкий (Киев)	8	04467	xxxxx	52379
Полесское (Киев)	8	04492	xxxxx	51332
Пскент	8	254	xxxxx	96260
Псков	8	81100	xxxxx	22145
Ростов-Дон	8	8630	xxxxxx	326609
Сальск (Ростов)	8	86347	xxxxx	20080
Самарқанд*	8	36600	xxxxx	32222
Саратов*	8	84500	xxxxx	25300
Саранск	8	83400	xxxxx	72222
Свердловск*	8	3430	xxxxxx	209111
Семенов (Горький)	8	83162	xxxxx	91221
Семипалатинск	8	32200	xxxxx	22121
Солдатский*	8	256	xxxxx	72222
Сосновый Бор (Ленинград)	8	81269	xxxxx	61333
Ставрополь	8	86500	xxxxx	64222
Средняя Ахтуба* (Волгоград)	8	84479	xxxxx	71205
Суровикино* (Волгоград)	8	84473	xxxxx	91393
Таганрог (Ростов)	8	86344	xxxxx	21414
Талгар* (Олмаота)	8	327074	xxxx	7501
Толдиқўрғон	8	32800	xxxxx	72121
Тбилиси	8	8830	xxxxxx	990203
Термиз	8	376000	xxxx	2222
Тетиев (Киев)	8	04460	xxxxx	51332
Тўйтепа*	8	276	xxxxx	21222, 21209
Тосно (Ленинград)	8	81261	xxxxx	22222
Узуноғоч* (Олмаота)	8	327070	xxxx	2898
Ульяновск	8	84200	xxxxx	40222
Уральск	8	31100	xxxxx	21063
Урганч*	8	36222	xxxxx	62222
Усть-Каменогорск	8	32300	xxxxx	52222
Фастов (Киев)	8	04465	xxxxx	52222
Фарғона*	8	37300	xxxxx	42222
Фрунзе*	8	33100	xxxxx	54254
Харьков	8	0570	xxxxxx	222222
Ҳўжаобод* (Андижон)	8	37474	xxxxx	12222
Целиноград	8	31700	xxxxx	22121
Чебоксари	8	83500	xxxxx	22222
Челябинск	8	3510	xxxxxx	361631
Черкасси	8	04700	xxxxx	22222
Чернигов	8	04600	xxxxx	22222
Черновцы	8	03700	xxxxx	22222
Чимкент	8	32500	xxxxx	34645
Чиноз	8	259	xxxxx	21300
Чирчиқ*	8	271	xxxxx	52222
Шаҳрихон (Андижон)	8	37434	xxxxx	22222
Янгийўл*	8	2600	xxxx	2222
Янгибозор	8	298	xxxxx	91013

*) белгиси кечаю кундуз уланиш бемалол бўлган шаҳарларни билдиради.

**) белгиси Тошкент шаҳридаги АМТС учун Москва вақти билан 02.00 дан 14.00 гача ишлашини билдиради. Бошқа вақтларда «07» хизматидан фойдаланинг.

хх... белгилари сони чақирилаётган абонент телефони номеридаги рақамлар сонини кўрсатади.

Горький шаҳридаги 42 ва 55-АТСлар ўртасидаги телефонлар уланишига қисман ўзгартириш киритилди. 42-93-66 телефон номери бўйича ва шаҳар телефон станцияси справка хизмати телефони — 36-22-22 орқали справкалар олиш мумкин.

29-АТСда телефон номерлари қисман ўзгартирилди. 299100—299599 телефон номерлари 291100—291599 номерларга ўзгартирилди.

Қизил Урда шаҳридаги 3-АТС телефон номерлари 4-АТСга ўтказилди. Биринчи «3» рақами ўрнига «4» рақамини териш лозим. 66-908 телефон номери бўйича справкалар олиш мумкин.

Кингиссепп шаҳар телефон станцияда «2» рақами билан бошланадиган беш рақамли телефон номери «6» рақами билан бошланадиган бўлди.

Ленинград шаҳрида 250-АТС 130-АТСга ўтказилди, телефон номерларининг қолган бошқа рақамлари ўзгармади.

Политехника институтининг тугатилган УАТС телефонлари шаҳар телефон станциясига ўтказилди.

Ростов-Дон шаҳрида 57-АТСида ўзгариш бор. 579000 дан 579099 номергача бўлган телефонлар билан уланиш учун 32-66-09 справкалар хизмат телефони бўйича справка олинг.

Харьков шаҳрида АТС номерлари ўзгарди: 4597хх—4587хх га, 4593хх — 4589хх га, 4592хх—4012хх га, 4590хх—4580хх га, 4594хх—4024хх га, 4595хх — 4025хх га, 4598хх—4586хх га, 4042хх—4032хх га ўзгарган. 22-22-22 телефон номери бўйича справка олиш мумкин.

Чернигов шаҳрида 38ххх телефон номерлари 35ххх га ўтказилди. 22222 телефон номери бўйича справка олиш мумкин.

Гаплашиш вақти автоматик равишда қайд этилади. Иш кунлари маҳаллий вақт билан соат 18.00 дан 24.00 гача ва 00.00 дан 07.00 гача (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) имтиёзли тариф амал қилади. Бу тарифга кўра телефонда гаплашиш одатдаги тарифдан 25 процент арзон турали.

Кредитга гаплашиш учун тўлов масаласи бўйича 44-32-24, 44-33-34 телефонлари орқали ҳисоб-китоб группасига қўнғироқ қилиш керак. Квартира телефонидан кредитга гаплашиш учун тўловлар Тошкент шаҳридаги барча омонат кассалари, шунингдек Навоий кўчаси, 26-уйдаги шаҳарлараро телефон станцияси ҳисоб-китоб группаси ва почта алоқа бўлимлари томонидан қабул қилинади.

Шаҳарлараро гаплашишлар ҳақини уз вақтида тўлаб боришни илтимос қиламиз. Гаплашиш ҳақи бир ой давомида тўланмаса корхона телефонидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Илтимос: шаҳарлараро автомат телефон алоқасидан фойдаланиш ҳақидаги эълонни асраб қўйингиз.

Шаҳарлараро автомат телефон алоқасидан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни 39-49-10, 33-58-10 телефонлари орқали олиш мумкин.

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

КИНО

13 ИЮНДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРИ» — **Москва.**

«ҲАРАКАТ — БОЛАЛАР СОҒЛИҒИ ДЕМАКДИР» — **Лисунов номли.**

«МЕДИЦИНА ВА ЗАМОН» — **Чайка.**

«ЎЗ БИЛГИЧА ДАВОЛАНИШНИНГ ЗАРАРИ» — **Нукус, Тинчлик.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МЕНИНГ ЎЛИМИМДА КЛАВА К.НИ АЙБЛАНГ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон: 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон: 46-70-69), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон: 66-15-75), **Восток** (жуфт соатларда, телефон: 91-14-61), **Хива** (20.50, 22.30).

«ҲАЛОК БЎЛГАН АЛЬПИНИСТ ҚОЯСИДАГИ МЕҲМОНХОНА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон: 78-47-25), **Москва** (тоқ соатларда, телефон: 33-05-01).

«ТЕРГОВ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон: 24-66-22).

14 ИЮНДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«УЗОҚ УМРГА ЙЎЛЛАНМА» — **Москва.**

«ҲАРАКАТДА — БОЛАЛАР СОҒЛИҒИ» — **Лисунов номли.**

«МЕДИЦИНА ВА ЗАМОН» — **Чайка.**

«ЎЗИНЧА ДАВОЛАНИШНИНГ ЗАРАРИ» — **Нукус, Тинчлик.**

«ТАБИБЛИК ВА САЛОМАТЛИК» — **Восток.**

«САЛОМАТЛИК ШАРТИ» — **Қозоғистон.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МЕНИНГ ЎЛИМИМДА КЛАВА К.НИ АЙБЛАНГ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон: 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон: 66-15-75), **Хива** (20.50, 22.30).

«ҲАЛОК БЎЛГАН АЛЬПИНИСТ ҚОЯСИДАГИ МЕҲМОНХОНА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон: 78-47-25), **Восток** (жуфт соатларда, телефон: 91-14-61), **Москва** (тоқ соатларда, телефон: 33-05-01), **Фестиваль** (ёзги, 20.50, 22.30).

«ТЕРГОВ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон: 24-66-22).

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНЛАРИ

ЧОПҚИР ОТЛАР ПОЙГАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Отчопарда: тотализатор, буфет, аттракцион, от прокати яшлайди.

Метронинг «Собир Раҳимов» станциясидан автобуслар қатнайди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Трамвай ҳайдовчилари учун ўқиш муддати —5 ой, троллейбус ҳайдовчилари учун эса ўқиш муддати—6 ой.

Ўқиш даврида курсантларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия тўланади.

Курсантлар, кейинчалик эса ҳайдовчилар трамвай ва троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бошқа шаҳардан келган ёлғиз курсантларга ётоқхонадан жой берилади.

Депо ходимлари формали кийим-бош билан (қийматининг 50 процента тўланади) **таъминланадилар.**

Курслар доимий суратда ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Депо адреси: Тошкент шаҳри — 125, Красновосточная кўчаси, 3 «з»-уй (13, 22-трамвайлар; 18-троллейбус, 17, 69, 71, 111-автобусларнинг «Красновосточное депоси» бекати). Телефонлар: 62-12-12, 62-12-07.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«2-ОТДЕЛЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 55-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

сувоқчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, ойна солувчилар, пардозловчилар, мармар қопловчилар.

Меҳнат ҳақи ишбай. Ёлғизлар шинам ётоқхона билан таъминланадилар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИГА

пенсионерлар ва студентлар: хат ташувчи, телеграмма ташувчи, телефонист, телеграфчи, операторлик вазифаларига.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

тог инженерлари ва мастерлик вазифасига техниклар, моддий бўлимга бухгалтерлар, ремонт-механика устахоналарига мудирлар, пайвандчи, дурадгор.

Ишловчилар темир йўлчиларга бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

станокда ишлайдиган дурадгорлар, инженер-конструкторлар, технологлар, механатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш бўйича; катта мастерлар ва мастерлар. Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

металл конструкцияларни йиғиш бўйича слесарь, электр пайвандчилар, токарлар.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИГА

вентилляция системаларини монтаж қилувчи слесарь-вентиляционлар, вентиляция ситемаларини тайёрлаш бўйича тунукасозлар.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИГА

ошпазлар, буфетчилар, ошхона ишчилари, идиш-товоқ ювувчилар, фаррошлар, бухгалтерлар.

ҲАВО ЙЎЛИДА ПОЧТА ТАШИШ БЎЛИМИГА

бош бухгалтер.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Марказий пункт —Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти. —Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь район пункти— У. Юсупов, кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти—2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти—Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти— К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти —Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти —Қорасарой кўчаси 270-уй.
А. Икромов район пункти —22-квартал 13-уй.
Сергели район пункти —район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

12.VI. ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Биргаликда ақлл оиламиз». Мусиқали программа. 20.00 «Меҳнат шоншуҳрати байроқдорлари». 20.20 «Оққушларни отманг». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Композитор Борис Чайковский». Фильм-концерт премьераси. 23.55 «Дунё воқеалари». 23.10 «Экран» ижодий уюшмаси телевизион ҳужжатли фильмлари программаси.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.50 «Бобомнинг боғи». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»). 19.00 «Турмуш ва маданият». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист Алибобо Мамедов раҳбарлигидаги «Хумоюн» халқ чолғу ансамблининг концерти. Трансляция пайтида ёзиб олинган. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист Алибобо Мамедов раҳбарлигидаги «Хумоюн» халқ чолғу ансамбли концертининг давоми. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Инсон ва замин». 1-кўрсатув. 22.30 «Дўстлик ва қардошлик байрами». Узбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари ҳақида видеофильм премьераси. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Болалар спорт мактаби». 20.45 «Ким бўлсам экан» (рус.). 21.15 Реклама. 21.30 «Кириши». Телефильм. 22.00 «Нина». Бадиий фильм.

13.VI, ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 Мультфильмлар программаси. 10.35 «Оққушларни отманг». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.45 Совет қўшиқларидан концерт. Концерт тугагач (12.15)— Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 Филиппин республикасининг миллий байрами — Мустақиллик кунига. «Балиқчан» миллий балетининг чиқиши. 16.30 А. Твардовский. «Поэмалар». Артист В. Золотухин ўқийди. 17.00 «Шахмат мактаби». Телетомошабинларнинг хатларига жавоблар. 17.30 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 18.15 «Йўл ёқасидаги уй». БАМ қурувчилари ҳақида ҳужжатли фильм. 19.05 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Время» программасининг почтаси. 20.05 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Данилов чалади (балалайка). 20.25 «Оққушларни отманг». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Эрмитаж». Италия. Уйғониш даврининг санъати. Эрмитаж директори академик Б. Б. Пиотровскийнинг кириш сўзи билан бошланади. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 Оперетта артистларининг концерти.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

I

11.35 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун. «Уйлаб топ» (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 13.00 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қўғирчоқ театрларининг фестивали». Ҳужжатли фильм («Узбекхроника»). 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мураббийлар». 19.00 «Қурилишда бригада пудрати». 19.30 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.45 СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ниёзий раҳбарлигидаги У. Ҳожибеков номли хизмат кўрсатган Озарбайжон ССР Давлат симфоник оркестрининг концерти. «Ваҳор» концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ниёзий раҳбарлигидаги У. Ҳожибеков номли хизмат кўрсатган Озарбайжон ССР Давлат симфоник оркестрининг концерти (давоми). 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Оламда нима гап?». «Халқаро воқеалар шарҳи». 22.35 «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 20.55 Абитуриентлар учун. Математика. 21.55 Телевизион театр. Л. Петрушевская. «Севги» (рус. тақрорий).

Куйбишев районидаги 113-мактаб томонидан **Қорабоев Мўмин Қўзиевич** номига берилган 907308 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-10; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

12 ИЮНЬ, 1980 й. Р—06311. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2078. 6